ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Тошкент ахборот технологиялари университети ректори

_____Т.З.Тешабаев

"____"_____2016 й.

"Намунали кафедра" танлови тўғрисида

НИЗОМ

Тошкент - 2016

Тошкент ахборот технологиялари университетининг

“Намунали кафедра” танлови тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг ҳудудий филиаллари кафедралари ўртасида ҳар йили “Намунали кафедра” танловини (кейинги ўринларда Танлов деб аталади) ўтказиш тартибини белгилайди.
2. Мазкур Низом Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда унинг ҳудудий филиаллари кафедралари фаолиятини баҳолаш учун татбиқ қилинади.
3. “Намунали кафедра” танлови университетда иш юритиш, кафедра фаолиятини янада жонлантириш, таълимда сифат кўрсаткичларини кўтариш, университет илмий салоҳиятини ошириш, жаҳон миқёсида университет рейтингини юқори даражага кўтариш ҳамда кафедраларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилади.
4. Мазкур Танловнинг бош мақсади олий таълим, фан ва амалиётнинг ўзаро манфаатлари ҳамкорлигига хизмат қилувчи таълим ва инновация механизмларини уйғунлаштиришдан иборат.
5. Танлов Низомига мувофиқ, университетда бир ўқув йилида олиб борилган ўқув, илмий-методик, ташкилий-методик, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий ишлар доирасида фаолият ўрганилади.
6. Тошкент ахборот технологиялари университети кафедраларининг Танлови ўқув йили охирида якунланади.

II. Мақсад ва вазифалари

7. Университет миқёсида илғор тажрибали кафедраларни аниқлаш ва рағбатлантириш, уларни нуфузини янада ошириш ҳамда кафедра фаолиятини соғлом рақобат ва ижодкорлик муҳитини яратиш.
8. Танлов орқали кафедраларнинг ишлаб чиқариш ҳамда халқаро алоқаларини кенгайтириш.
9. Университет рейтингини ва нуфузини кўтаришда кафедралар ролини янада оширишга кўмаклашиш.
10. Илғор тажрибага эга кафедраларнинг фаолиятини университет миқёсида оммалаштириш.

III. Танлов комиссиясининг таркибини шакллантириш

11. Танлов комиссияси таркиби университет ректори (директори) буйруғи билан бир ўқув йили учун тузилади.

12. Танлов комиссияси қуйидаги таркибда тузилади:

Раис – ректор (директор)

Аъзолар:

- ўқув ишлари бўйича проректор;
- илмий ишлар бўйича проректор;
- маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор;
- ўқув-методик бошқарма бошлиғи;
- ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи;
- халқаро алоқалар бўлими бошлиғи;
- илмий бўлим бошлиғи;

13. Танлов комиссияси таркибга зарур ҳолларда мутахассисларни қўшимча равишда жалб қилиш мумкин.

IV. Танлов комиссиясининг вазифалари

14. Танлов комиссияси ҳар ўқув йили учун баҳолаш мезонини ишлаб чиқади ҳамда университет Кенгашига мухокама қилиш ва тасдиқлаш учун тақдим қилади.

15. Танлов комиссияси ўқув йили давомида тизимли тарзда фаолиятини олиб боради.

16. Танлов комиссиясининг қарорлари икки нусхада баённомалар билан расмийлаштирилади, улар Танловнинг мажлисида қатнашган барча аъзолари томонидан имзоланади. Протоколларда Танлов комиссияси аъзоларининг алоҳида фикрлари (мавжуд бўлган тақдирда) қайд этилади.

17. Танлов ғолиблари тўғрисида якуний ҳисоботни университет Кенгашида муҳокама қилинади ва моддий рағбатлантиришга тавсия қилинади.

18. Танлов комиссияси ғолиб бўлган кафедраларнинг илғор тажрибаларини университетнинг бошқа кафедраларида жорий этилишини таъминлайди.

V. Танлов шартлари

19. Танловда университетнинг барча кафедралари иштирок этади.

20. Кафедра мудири кафедранинг танловда иштирок этиши учун масъул ҳисобланади.

21. Кафедра томонидан Танлов комиссиясига тақдим қилинган хужжатлар асослари билан таъминланиши лозим.

22. Танлов учун тайёрланган ҳужжатлар Танлов комиссиясига белгиланган муддатда тақдим этилади.

VI. Танловни ўтказиш тартиби

23. Танлов ўқув йилининг бошида эълон қилинади ва ўқув йилининг охирида якунланади.

24. Танлов ғолиблари ҳар ўқув йили учун Танлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида аниқланади.

25. Танлов комиссияси мавжуд мезонлар ва йил давомида йиғилган маълумотлар асосида ўқув йили якунланишидан бир ой олдин баҳолаш жараёнини бошлайди.

26. Танлов якунида кафедра мудири Танлов комиссияси белгилаган кунда кафедранинг йиллик фаолияти бўйича тақдимот қилади.

VII. Якуний қоидалар

27. Танловни ўтказиш бўйича юзага келган муаммолар Танлов комиссияси томонидан ҳал қилинади.

28. Танлов ўтказилган вақтда кафедра мудири меҳнат таътили ёки хизмат сафарида бўлса, кафедра мажлиси қарори билан тавсия этилган педагог-ходим кафедра тақдимоти учун масъул ҳисобланади.

29. Танлов якунлари бўйича 1-ўрин (битта кафедра), 2-ўрин (иккита кафедра) ва 3-ўрин (учта кафедра)ларни эгаллаган кафедралар университетнинг фахрий ёрлиғи билан мукофотланади ҳамда белгиланган миқдордаги пул маблағлари билан моддий рағбатлантирилади.

30. Танлов якунлари бўйича 1-, 2- ва 3-ўринни эгаллаган кафедраларга ғолиблик учун рағбатлантириш пул мукофотларининг миқдори университет (филиал) Кенгаши қарори билан белгиланади.

31. Моддий рағбатлантириш учун пул маблағлари университет ректори (директор)нинг буйруғи асосида университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан берилади.

32. Танлов якунлари бўйича ғолиб бўлган кафедраларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда кафедра аъзоларини меҳнатига яраша қўшимча моддий рағбатлантириш мақсадида 1-, 2- ёки 3-ўринни қўлга киритган кафедрага берилган пул маблағининг тақсимоти кафедра кенгашида тақсимланади ва тегишли баённома билан тасдиқланади, бунда умумий

мукофотнинг 50 фоизи миқдори кафедра аъзоларини адолат тамойиллари асосида меҳнатига яраша моддий рағбатлантиришга 50 фоизи миқдори эса кафедранинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

33. Мазкур Низом Тошкент ахборот технологиялари университети Кенгашининг 2016 йил 24 ноябрдаги 4(664)-сонли мажлиси баёни билан тасдиқланган.

Илова

Тошкент ахборот технологиялари университетида 2016-2017 ўқув йилида ўтказиладиган “Намунали кафедра” танлови бўйича кафедра фаолияти баҳолаш мезонлари

№	Кўрсаткичлар	Балл
	I. Ўқув-методик ишлар	**45**
1.	Кафедрада меъёрий ҳужжатларнинг юритилиши. ДТС, намунавий ўқув режа, ишчи ўқув режа, намунавий дастур ва ишчи ўқув дастурларнинг қўлланилиши. Тегишли 22 та папка ҳужжатларнинг мунтазам янгилаб борилиши	4
2.	Хорижий тажрибалар асосида таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари ва ҚТМО йўналишларининг ўқув режалари, намунавий дастурларининг ишлаб чиқилганлиги. Хорижий адабиётларнинг топилганлиги ва улар асосида ўқув-услубий мажмуаларнинг яратилиш ҳолати	8
3.	Электрон таълим тизимида барча талабларнинг бажарилганлиги	6
4.	Кафедрадаги аудитория, лаборатория, йўлак ва бошқа хоналарнинг талаб даражасида жиҳозланганлиги	4
5.	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини тизимли йўлга қўйилганлиги	3
6.	Кафедрада педагогик ходимларнинг ўқув, маънавий-маърифий, ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот юкламаларининг ҳамда кафедра режасидаги ишларнинг тўлиқ бажарилганлиги	3
7.	Кафедранинг педагогик ходимлари томонидан дарслик, ўқув қўлланма, амалий, семинар ва лаборатория ишлари учун услубий қўлланмаларнинг яратилиши. Фанлар бўйича адабиётлар билан таъминланиш ҳолати	6
8.	**Битирувчиси бор кафедралар учун:** Битирув малакавий иши, магистрлик диссертацияларининг юқори даражада бажарилиши ва мониторингини олиб борилганлиги **Битирувчиси йўқ кафедралар учун:** Кафедра томонидан ўқитиладиган фанлар бўйича назоратларнинг (ОН, ЖН ва ЯН) мониторингини олиб борилиши.	2
9.	Фанларни ўқитишда замонавий ёндашув, педагогик технология, ахборот-технология ва бошқаларнинг қўлланилиши	2
10.	**Битирувчиси бор кафедралар учун:** Битирувчиларнинг ишга жойланишлари бўйича ишларни тизимли йўлга қўйилганлиги **Битирувчиси йўқ кафедралар учун:** Кафедра томонидан ўқитиладиган фанлар бўйича ўзлаштириши паст талабалар билан олиб борилган ишлар	2
11.	Кафедрада ўқитиладиган фанлар кесимида талабалар давомати юқорилиги “95 % дан юқори бўлиши лозим”	2
12.	**Битирувчиси бор кафедралар учун:** Магистрларнинг илмий ишларига ЎзРФА иниститутлари ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари олимларининг раҳбарлик қилишлари **Битирувчиси йўқ кафедралар учун:**Кафедра аъзолари томонидан академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув адабиётлари яратилиши.	3
	II.Илмий-тадқиқот ишлар	**35**
1.	Кафедрада давлат грантлари ёки хўжалик шартномаларининг мавжудлиги, уларнинг юқори даражада бажарилиши	3

2.	Кафедра томонидан конференция, илмий семинарларнинг ташкил этилиши ёки патент ва муаллифлик ҳуқуқини берувчи ҳужжатларнинг олинганлиги	6
3.	Хорижий таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ва амалдаги натижалар	6
4.	Илмий семинарлар ва тўгаракларнинг юритилиши. Иқтидорли талабалар билан ишлашнинг тизимли йўлга қўйилганлиги	3
5.	Илмий мақола (шу жумладан, конференциялардаги мақола), монографияларнинг нашр этилиши “чет элда нашр этилган бўлса – 4 балл, республика миқёсида нашр этилса – 2 балл”	4
6.	Кафедра томонидан инновацион ҳамкорлик инфратузилмалари “Ўқув-илмий комплекс”, “Илмий лаборатория”, “Инновацион марказ”, “Кафедра филиал”ларининг ташкил этилганлиги. Улар билан амалга оширилган ишлар ва натижалар	6
7.	Кафедранинг педагог ходимлари, талаба ва магистрларнинг Давлат мукофотлари, номдор стипендиялар, халқаро совринларни қўлга киритганликлари	5
8.	Грантлар ва хўжалик шартномаларида талабаларнинг иштироки	2
III. Маънавий-маърифийишлар		**30**
1.	Кафедрада маънавий-маърифий ишларнинг тизимли йўлга қўйилганлиги (Мураббийлик фаолияти, талабалар турар жойи ва ижарада яшовчи талабалар билан олиб борилган ишлар)	6
2.	Кафедра веб сайтининг яратилганлиги ва маълумотларни мунтазам янгилаб борилиши	5
3.	Кафедрада педагогик ходимларнинг оммавий ахборот воситаларидаги фаоллиги	5
4.	Кафедра томонидан маънавий-маърифий тадбирларнинг ташкил этилиши	3
5.	Талабалар бўш вақтларини мазмунли ташкил этишнинг тизимли йўлга қўйилиши	5
6.	Кафедранинг ўқув йили учун тузилган иш режасидаги маънавий-маърифий ишларнинг бажарилиши	4
7.	Кафедра педагог ходимлари, талабалар ва магистрлар ўртасида байрам тадбирларининг ташкил этилиши. Спорт-соғломлаштириш ишларининг йўлга қўйилганлиги	2
Жами		**110**